

08/12  
28.06.2022

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Вилоят ҳокими ўринбосари в.б,  
жамоатчилик кенгаши раиси

М.Мамадиярова

2022 йил 28 июнь

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ

2022 йил 28 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

М.Мамадиярова - вилоят ҳокими ўринбосари в.б.

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари,  
вилоят корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари  
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 87 сон фармонининг вилоятдаги ижроси тўғрисида

(Мамадиярова, Ахмедов, Тасбаев, Сарабеков, Набиев, Тогаева ва бошқалар..... Мамадиярова)

Хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва оғирини енгил қилиш, конуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иктисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йуналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур кўрсатмалар ижросини самарали таъминлаш, олиб борилаётган ислохатларнинг натижадорлигини фуқаролар ҳаётида акс эттириш орқали эришилиши белгилаб берилди.

Ушбу йўналишда Давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг вилоятдаги ижроси юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б, жамоатчилик кенгаши раиси М.Мамадиярова сўз олиб, вилоятда ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилганлигини, жумладан:

– 11 100 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланлиги;

– 20 535 нафар хотин-қизлар томорқасида тадбиркорлик қилаётган ҳамда ўзини ўзи банд қилувчи тоифасига киритилганлиги;

– 2 448 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилганлиги;

– **336 нафар** хотин-қизларга жами **1,6 млрд. сўм** миқдорда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, томоркадан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш учун **субсидиялар ажратилганлиги;**

– **2 872 нафар** хотин-қизларга иссиқхона қуриш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни йўлга қўйиш мақсадида **35 млн. сўмгача имтиёзли кредитлар** (жами **79,4 млрд. сўм**) ажратилганлиги;

– **2 531 нафар** ишсиз хотин-қизлар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **касб-хунарларга ўқитилганлиги;**

– **25 нафар** хотин-қизларга хунармандликни ривожлантиришга **993,5 млн. сўм** миқдорда **имтиёзли кредитлар ажратилганлиги;**

– **107 728 нафар** хотин-қизлар **онкологик скринингдан, 26 132 нафар** нуроний онахонлар **чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилганлиги;**

– хотин-қизларнинг кизиқишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда **185 та** спорт тўғараклари ташкил этилганлиги;

– профилактик ҳисобда турган **1 158 нафар** хотин-қизларнинг **407 нафари** моддий-маънавий, ижтимоий масалаларда амалий ёрдам кўрсатиш орқали **ҳисобдан чиқарилганлиги;**

– “**Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?**” мавзусида маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида **443 та** учрашувлар ўтказилганлиги;

– “**Аёллар дафтарига**” **20 444 нафар** хотин-қизлар киритилган ҳамда уларнинг **13 806 нафарига** (92,7 %) амалий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, **10 194 нафарига** **14,7 млрд. сўмлик** бир марталик моддий ёрдамлар берилган, **2 757 нафар** ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланган, **704 нафарига** **6,5 млрд. сўмлик** имтиёзли кредитлар ажратилганлигини таъкидлаб ўтди.

**Шу билан бирга,** Фармон ва қарорларда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1) вилоятда **9 598 нафар** ишсиз хотин-қизлар мавжуд, аммо **вилоят бандлик бош бошқармаси** томонидан жами **1 566 та** бўш ва захираланган (квота) иш ўринларига **1 224 нафар** ишсиз хотин-қизлар жойлаштирилган;

2) **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси** ҳамда **таълим муассасалари** томонидан давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш бўйича (ПФ-87-сон Фармоннинг 7-банди) **2 531 нафар** хотин-қизлар ўқитилган.

– вилоят бўйича факатгина Навоий шаҳрида “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил қилинган, бошқа туман (шаҳар)ларда марказлар мавжуд эмас;

– “Ишга марҳамат” мономаркази хузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилган. Бирок, ўқув курсларини тугатган хотин-қизларга малака сертификатлари ёки битирувчиларга мақсадли субсидиялари берилмаган;

– малакани баҳолаш маркази томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида кўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмаси берилмаган.

**3) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси** ҳамда **Бандлик бош бошқармаси** томонидан субсидиялар (тадбиркорлик, томорка ва бошқалар) ажратиш орқали ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича (Режанинг 34-банди) **336 нафар** субсидиялар ажратилган. Нисбатан паст кўрсаткичлар Зарафшон шаҳрида **19 та**, Навоий шаҳрида **39 та**, Хатирчида **59 та**.

**4) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси** ҳамда **тижорат банклари** томонидан вилоятдаги тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган **5 нафар** аёлларга миқдори **10 млн.** сўмгача бўлган субсидиялар (ПФ-87-сон Фармоннинг 13-банди) ажратилган холос. Зарафшон, Ғозгон шаҳарларида, Кармана, Конимех, Нурота, Томди, Учкудук туманларида топшириқ бажарилмаган.

**5) Соғлиқни сақлаш бошқармаси** томонидан **163 437 нафар** хотин-қизларни онкологик скринингдан ўтказиш (Режанинг 80-банди) режаси белгилаб олинган. Бугунги кунга келиб **107 728 нафар** (режанинг 65,9 %) аёллар текширувдан ўтказилган. Нисбатан паст кўрсаткичлар Нуротада **7 891 нафар** (52 %), Навбахорда **15 916 нафар** (59 %), Қизилтепада **25 912 нафар** (65 %) хотин-қизлар бундай скринингдан ўтказилмаган.

Вилоятда **26 132 нафар** нуроний онахонлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Шу билан бир каторда тиббий кўрик натижаларига кўра, бор-йўғи **449 нафар** нуроний онахонлар санаторийларга даволаниш учун юборилган.

**6) Спортни ривожлантириш бошқармаси** томонидан хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича (Режанинг 60-банди) маҳаллаларда хотин-қизларнинг кизиқишларидан келиб чиқиб **330 маҳалланинг 185 тасида** спорт тўғарақлари ташкил этилган. Нисбатан паст кўрсаткич Кармана туманида **43 тадан 19 тасида**, Навбахорда **41 тадан 20 тасида** ва Қизилтепада **53 тадан 21 тасида** спорт тўғарақлари очилган, холос.

7) **Ички ишлар бошқармаси томонидан** узок муддатга яшаш жойидан чикиб кетган аёлларнинг оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш бўйича (Режанинг **24, 102-бандлари**) ишлар етарли даражада ташкил қилинмаган.

Жумладан, вилоятда узок муддатга яшаш жойидан чикиб кетган аёллар жами **7 587 нафар**ни ташкил этади. Мутасаддилар томонидан уларнинг **бор-йўғи 794 тасининг** оилаларига ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатилган ва бундай аёлларнинг **4 672 нафар** фарзандларидан **391 нафар**игагина турли хилдаги ёрдам кўрсатилган ҳолос.

Вилоятда бугунги кунда **1 158 нафар** хотин-қизлар **профилактик ҳисобда туради**. Жорий йил май ойи якунигақадар уларнинг **407 нафари** (35,1%)нинг муаммолари ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилган. Нисбатан паст кўрсаткич Навбахорда **181 нафардан 33 нафари** (18,2%), Қизилтепада **138 нафардан 30 нафарини** (21,7%) ва Навоий шаҳрида **203 нафардан 70 нафари** (25,1%);

8) **Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилояти бошқармаси ва Маданият бошқармаси томонидан** “Ўзбек кадриятлари ва урф-одатлари бувижонлар талқинида” мавзусида оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида туркум кўрсатув, эшиттириш ва маърифий материаллар тайёрлаш ҳамда Маданий-оммавий тадбирларда хотин-қизлар қамровини ошириш бўйича (Режанинг **65, 68-бандлари**):

– шаҳар ва туманларда маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш режа-графикини секторлараро ва “маҳаллабай” тарзда тасдиқланмаган;

– оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида (шу жумладан, тармоқ газета ва журналларда) туркум кўрсатув, эшиттириш ва маърифий материалларни узлуксиз ёритиш ва эфирга узатиб **бориш ташкил этилмаган**.

9) **Вояга етмаган қизлар билан ишлашда** “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш бўйича (Режанинг **109-банди**) **Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси** томонидан мутасадди ташкилотлар билан биргаликда **тарбияси оғир вояга етмаган қизлар ва уларнинг оилаларидаги муаммолари ўрганиш ишлари ҳам талаб даражасида йўлга қўйилмаган**.

Хусусан, шу пайтга қадар фақатгина **25 нафар** профилактик ҳисобда бўлган тарбияси оғир қизлар бўйича ишлар амалга оширилган, ҳолос.

Шу билан бирга, профилактик ҳисобда бўлмаган, аммо оиладаги салбий муҳитдан келиб чикиб (нотинч, ажрашган ёки ажрим ёқасига келиб қолган, боқувчиси бўлмаган, ота-онаси узок муддатга бошқа давлатларга чикиб кетган каби оилалар) ушбу оилаларда тарбияланаётган қизларни ҳам

тарбияси оғир бўлган қизлар тоифасига киргизиб, тегишли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**10) “Хунарманд” уюшмаси бошқармаси томонидан** уюшма қошидаги хунармандчилик марказларига тадбиркор хотин-қизларнинг маҳсулотларни жойлаштириш бўйича (Режанинг 13-банди) **702 нафар** хунарманд хотин-қизларнинг атиги **197 нафарининг** (28%) маҳсулотлари марказларга жойлаштирилган, холос.

Нисбатан паст кўрсаткич Зарафшон шаҳрида **13 та**, Қизилтепада **17 та**, Карманда **32 та**.

**11) Маҳаллий ҳокимликлар томонидан** маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини планшетлар билан таъминлаш белгиланган (ПҚ-146-сон Қарорнинг 12-банди). Ҳозирги кунга қадар **330 нафар** хотин-қизлар фаолларидан **68 нафари** планшетлар билан таъминланган.

Шунингдек, маҳаллалардаги **330 нафар** хотин-қизлар фаолларидан **28 нафари** (9,5%) компьютер жамланмаси билан таъминланмаган.

**II. Хотин-қизлар билан боғлиқ ҳамда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар**, уларни олдини олиш борасида мутасадди ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш ҳақида.

**715 та** оилавий ажрим қайд этилган, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **75 тага** ошган.

Ажрим сабаблари таҳлил қилинганда, **оилавий келишмовчилик** (қайнона-қайнота, яқин қариндошларнинг оилага ноўрин аралашуви) туфайли ажралишларнинг қарийиб **55 фоизи** қайд этилган.

Бундан ташқари, моддий етишмовчилик, ишсизлик, мутассил равишда ичкиликбозлик оилаларнинг ажрим ёқасига келиб қолишларида нисбатан энг кўп сабаблардан ҳисобланади.

Айни пайтда, вилоятда **514 та** оила ажрим ёқасига турибди.

Умуман олганда, оилаларнинг ажрим ёқасига келиб қолишларининг асосий омиллари куйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, маҳаллаларда ёш келинлар ўртасида оила, турмуш маданияти, миллий кадриятларга риоя этиш, оила аъзоларини ҳурмат қилиш қабилар бўйича **тарғибот ишлари самарали ташкил этилмаётганлиги**.

Таҳлилларга кўра, ёш келинлар ва турмуш қуриш арафасида бўлган қизлар оила маданияти, тиббий маданият, санитария-гигиена қоидаларини тушунтиришга муҳтож.

*Иккинчидан*, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларга қайноналарнинг аралашуви.

Хусусан таҳлилларга кўра, маҳаллаларда “Аёллар маслаҳат кенгашлари”, “Оқила аёллар” ҳаракати томонидан ёш келинлар, “Нуронийлар маслаҳати” гуруҳлари томонидан уларнинг турмуш ўртоқлари ўртасида оила аъзолари орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини яратиш ҳамда доимий эътибор кўрсатиш лозимлиги, хиёнатнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва диний оқибатлари ҳақида тушунтиришлар бериш тизими йўлга қўйилмаган.

*Учинчидан*, уй-жой муаммосининг тўлиқ ҳал этилмаганлиги.

*Тўртинчидан*, аёлларнинг ташқи миграцияга мажбур бўлаётганликлари.

*Бешинчидан*, оила бошлиқларининг муттасил ичкиликка берилиши, бундай шахсларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳамда уларни ўз вақтида мажбурий даволашга жойлаштириш чоралари кўрилмаётганлиги.

#### Аёллар жиноятчилиги бўйича:

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хотин-қизлар томонидан **176 та** жиноят содир этилган (ўтган йилга нисбатан **89 тага** кўпайган).

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар Навоий шаҳрида (36 тага), Қарманда (24 тага), Конимехда (10 тага) **ошган**.

Шунингдек, тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган **1 051 нафар** аёлларга химоя ордери берилган (ўтган йилга нисбатан **286 тага** кўпайган), хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш бўйича **22 та** ҳолат ҳисобга олинган (ўтган йилнинг мос даврида **27 та**).

Таҳлилларга кўра, ушбу салбий ҳолатларни олдини олиш, уларнинг юз беришига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни, омилларни ўз вақтида бартараф этиш, тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш кўп жихатдан мутасадди ташкилотларнинг самарали ҳамкорлигига ҳамда биргаликда амалга оширадиган чора-тадбирларга боғлиқ.

**Ш. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлим (филиал)лари ҳақида.**

Юқоридаги марказлар вилоятнинг **11 та** туман (шаҳар)дан **10 тасида** ташкил этилган. Ҳозирги шаҳрида марказлар фаолияти умуман ташкил этилмаган.

Мазкур марказлар фаолияти ўрганилганда Зарафшон шаҳрида Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази учун Кончилар МФЙ даги Зараметян кўчаси 11<sup>А</sup> уйда жойлашган бинодан **1 та** хона ажратилган. Марказнинг ўқув-

методик базаси мавжуд эмас, ўтган давр мобайнида биронта ёш оила ўқитилмаган.

Бундан ташқари марказлар фаолияти юзасидан аҳоли орасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилмагани ва имкониятларидан тўлиқона фойдаланилмаётгани аниқланди. Бугунги кунгача марказларга ажратилган бинолар бўйича **ҳокимларнинг тегишли қарорлари чиқарилмаган.**

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 87 сон фармонининг вилоятдаги ижроси коникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Вилоятдаги барча ташкилот ва идоралар **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 87 сон фармони билан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

3. Вилоят бандлик бошқармаси (Авезов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси (Нурмуродов) ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда томонидан давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш ҳамда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитиш, улар билан индивидуал иш олиб бориш бўйича манзилли ишларни амалга ошириш, меҳнат ярмаркаларини кўпайтириш чораларини кўрсин.

4. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Расулов) вилоятдаги хотин-қизларни онкологик скринингдан ўтказиш режа графиги ишлаб чиқсин

Бунда, вилоятнинг Нурота, Навбахор ҳамда Қизилтепа туманларида истиқомат қилиб келаётган хотин-қизларни тўлиқ камраб олинишига эътибор қаратсин.

5. Вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси (Рахмонов) хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш юзасидан туман (шаҳар)лардаги ҳар бир маҳаллаларда хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб спорт тўғарақлари ташкил этиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу тўғарақларни худуддаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, спорт мураббийлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

**6. Ички ишлар бошқармаси (Тасбаев), вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ризаева) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда** нотинч оилалар ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ишлаш, оилавий ҳолатини ўрганиш, улар ўртасида салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган аёллар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш ишларини йўлга қўйсин.

**7. Вилоят Суди (Қудратов), вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ризаева)лар** билан ҳамкорликда ажрашиш учун ариза берган оилаларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда улар билан индивидуал ишлаш учун рўйхатларни туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этиш, ҳамкорликда маҳаллаларда сайёр судлар ўтказиш чораларини кўрсин.

**8. Вилоят прокуратураси** аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда алимент тўловларини ўз вақтида ундириш тизимида самарадорликни янада ошириш чораларини кўрсин.

**9. Вилоят адлия бошқармаси (Сарабеков)** никоҳ қуриш учун ФХДЁ органларига ариза берган ёшлар ва улар ота-оналари билан оилаларни мустаҳкамлашдаги ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти ва жавобгарлигига оид билимларини ошириш, хотин-қизларнинг меҳнат, тадбиркорлик, оила қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида қонуний никоҳ ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш, ФХДЁ органлари томонидан ажрашиш учун ариза берган оилаларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда улар билан индивидуал ишлаш учун рўйхатларни Оила ва хотин-қизлар бошқармасига тақдим этсин.

**10. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Набиев), вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ризаева)лар** оилаларни мустаҳкамлаш, ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш, нотинч оилалардаги муҳитни соғломлаштиришда маҳалла раислари ва фаоллари, “Кексалар маслаҳати” гуруҳи каби жамоатчилик тузилмаларининг ишини самарали ташкил этиш. Бу борада янги сайланган маҳалла раисларига хотин-қизлар фаолига юклатилган вазифаларни тушунтириш, уларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўрсин.

**11. Вилоят бош имом хатиби (Рўзиёв)** туман (шаҳар)лардаги бош имом-хатиблар, маҳаллалардаги имомлар, отинойилар билан биргаликда аҳоли ўртасида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, “Оила муқаддас – никоҳ муқаддас” ғоясини тарғиб қилиш орқали қонуний никоҳнинг афзалликлари юзасидан таъсирчан тушунтириш ишларини тизимли олиб бориш ҳамда ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш, нотинч

оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, оила аъзолари орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини яратиш ҳамда доимий эътибор кўрсатиш лозимлиги хақида тушунтириш ишлари олиб борилишини доимий равишда ташкил этиб борсин.

**12. Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (Бахрамов), вилоят халқ таълими бошқармаси (Шамуратов), вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ризаева)лар билан биргаликда** вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириб, тарбияси оғир вояга етмаган қизлар ва уларнинг оилаларидаги муаммолари ўрганиш ишларини тизимли ташкил этиш чораларини кўрсин.

**13. “Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси (Жумаев) уюшма** қошидаги хунармандчилик марказларига тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни жойлаштириш камровини ошириш чораларини кўрсин.

**14. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ризаева), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда** ҳар бир ҳудудда намунали тарзда “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш” марказлари, “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш” марказлари, “Хотин-қизлар тадбиркорлик” марказлари ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

**15. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик кенгашига:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 87 сон фармони билан белгилаб берилган вазифаларни мутасадди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ижроси юзасидан олиб борилган ишларни йил якунига қадар танқидий таҳлил қилиш мақсадида жамоатчилик кенгашининг навбатдаги муҳокама йиғилишлари кун тартибига киритилишини белгилаб қўйсин.

**16. Ушбу йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.**

**Баённомани расмийлаштирди**



**Ш.Райимов**